



№ 17

«20» апрель 2021 йил

«ANTEKS» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 01 январдан 2020 йилнинг 31 декабрга қадар бўлган давридаги молиявий-хужалик фаолияти юздыасидан утказилган аудиторлик текшируви натижаларига кура ижобий билан фикр билдирилган
А У Д И Т О Р Х У Л О С А С И

Ўзбекистон Республикаси Андижон вилояти Андижон шаҳар Давлат хизматлари марказида 2020 йилнинг 20 августда 795679-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг аудиторлик фаолияти юритиш ҳуқуқини берувчи 2020 йил 22 январдаги 00839-сонли лицензияга эга бўлган МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти «ANTEKS» акциядорлик жамияти билан 2021 йил 05 апрелда тузилган 17-сонли шартномага асосан 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабрга қадар бўлган даврлар молиявий фаолияти аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Аудитор Н. Курбонова (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг малака сертификати № 05598) томонидан «ANTEKS» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган «Бухгалтерия баланси», «Молиявий натижалар тугрисида»ги ҳисоботларининг ишончилиги мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан утказилди.

Текширув Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги молиявий қонунлари, аудитнинг миллий андозалари, Солик Кодекси ва шу йўналишларни тартибга солувчи бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилди.

Текширув учун тақдим қилинган ҳисоботларни тайёрлаш ва уларнинг тугрилиги ҳамда ҳисобот даврида амалга оширилган хужалик муомалаларининг қонунийлиги буйича масъулият хужалик юритувчи субъект раҳбарияти зиммасига юклатилган. Аудиторлик ташкилоти эса молиявий ҳисобот буйича билдирган ҳулосаси учун масъулдир.

Аудиторлик текшируви аудитнинг ҳаракатдаги 70-сонли миллий стандартга мувофиқ утказилди. Ушбу стандартлар бизга мижоз қорхона ахборотларининг фойдаланувчиларини молиявий ҳисоботда моддий аҳамиятга эга бўлган ҳатоликлар йўқлиги тугрисида етарли даражадаги ишонч билан таъминлаш мажбуриятини юклайди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботда акс эттирилган ва бошқа молиявий ахборотларни бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тартибга солувчи қонунчиликка мос қелишлигини баҳолашни талаб қилади.

Биз, утказилган аудиторлик текширувида қуриб чиқилган молиявий ҳисобот буйича ўз фикримизни билдириш учун етарли тарзда асос беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, «ANTEKS» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботи унинг молиявий хужалик фаолияти натижалари тугрисида ҳаққоний ахборот беради ва Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мос қелади.

МЧЖ «AUDIT-ALFA» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:



Н. Курбонова